



USAID UCHUN GALIYA DANIJAROVA SURATI

USAIDNING “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭНЕРГИЯСИ” ЛОЙИХАСИ

Марказий Осиё қайта тикланувчи энергия манбаларига бой бўлиб, энергия самарадорлигини ошириш учун муҳим салоҳият ҳамда энергетика соҳасидаги минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларига эга. USAIDнинг “Марказий Осиё энергияси” лойиҳаси Марказий Осиёнинг бешта давлати – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонга миллий ва минтақавий хавфсизлиги устувор йўналишларига эришишда ва минтақавий электр савдосидан иқтисодий фойда олишга ёрдам беради. Лойиҳа учта асосий муаммоларни ҳал қилиш борасида маҳаллий ҳукуматлар ва асосий манфаатдор томонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади:

<p>МИЛЛИЙ БОЗОРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ИСЛОХОТЛАРИ</p>	<p>ТОЗА ЭНЕРГИЯ</p>	<p>МИНТАҚАВИЙ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БОЗОРИ</p>
<p>Марказий Осиё давлатларини энергетика стратегияларини янгилашда ва бозорнинг оптимал тузилишини, шу жумладан ҳуқуқий, институционал, меъёрий (ҲИМ) ва техник тизимларини ишлаб чиқишда қўллаб-қувватлаш. Шунингдек, USAID харажатларни акс эттирувчи нархлаш методологиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни модернизация қилиш ва киберхавфсизликни такомиллаштириш бўйича ёрдам кўрсатади.</p>	<p>Марказий Осиё ҳукуматларининг стратегияларни ишлаб чиқиш ва энергияни режалаштиришга тоза энергия ва энергия самарадорлигини ошириш масалаларини киритиш орқали минтақада тоза ва қайта тикланадиган энергия (ҚТЭ) қамровини кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш. USAID хусусий секторнинг тоза ва ҚТЭга сармоя киритишини тарғиб қилади.</p>	<p>Трансчегаравий электр энергияси савдосини ҳамда ишлаб тармоқларига очик киришни таъминлаш орқали USAIDнинг энергетика соҳасидаги минтақавий ҳамкорликни узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш борасидаги USAID фаолиятини давом эттириш. Лойиҳа шунингдек, техник асослар ва бозор тизимларини уйғунлаштириб, минтақавий электр энергияси бозори моделини ишлаб чиқишга қаратилган.</p>

ҚОЗОҒИСТОН. USAID янги технологиялар ва илғор халқаро тажрибаларни синовдан ўтказишга ёрдам беради. Масалан, таклиф этилаётган ақлли ҳисоблагич тизими **182 055 нафар истеъмолчини** электр энергияси билан таъминлаш сифатини оширишга хизмат қилади. ҚТЭ аукционларини қўллаб-қувватлаш шамол энергияси нархини кВт/соат учун минтақадаги энг паст нархлардан бири бўлган **2,6 центга** туширди. Ишлаб чиқувчилар янги лойиҳаларга **\$2,24 млрд** хусусий инвестицияларни жалб қилди. 2030 йилга келиб иссиқхона газларида **CO₂** улуши **60,28 млн тоннага** камаяди ёки олди олинади.

ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ. USAID энергетика секторини ислоҳ қилиш ва мамлакатнинг тоза энергияга ўтишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Энергетика вазирлиги билан ҳамкорлик қилади. Бунга ҚТЭ тармоққа улаш муаммоларни таҳлили, янги лойиҳаларга энг афзал жойларни танлаш, **электр энергиясини сотиб олиш бўйича шартномаларни** ишлаб чиқиш ва тарқоқ электр энергия ишлаб чиқаришнинг афзалликларини кўрсатадиган **томга ўрнатиладиган қуёш панеллари** каби кичик миқёсдаги лойиҳаларни синовдан ўтказиш киради. USAID вазирликни **Гендер Кенгашини** тузишда ва вазирлик ва регуляторга хизматлар сифатини ва фаолиятининг истеъмолчилар олдида шаффофлигини ошириш имконини берадиган **иккита веб-платформа** ишлаб чиқишда кўмаклашди.

ТОЖИКИСТОН. USAID Тожикистонга энергетика тизимини моделлаштириш, йўқотишларни камайтириш, энергетика компанияларини ажратиш ва корпоративлаштириш, ҚТЭ рақобатбардош харидларини рағбатлантириш, энергия сақлагичли автоном ҚТЭ манбалари бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам бермоқда. USAID ва Энергетика ва сув ресурслари вазирлиги Тожикистон энергетика бозорини модернизация қилиш бўйича энергетика сектори **Ҳаракат режасини** ишлаб чиқишга келишиб олди.

ТУРКМАНИСТОН. USAID қайта тикланадиган энергетика лойиҳалари имкониятларини аниқлашга ёрдам беради, **энергетика сектори учун углерод эмиссиясини камайтириш бўйича кенг қамровли комплекс стратегияни** ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлайди ва нефт ва газ секториди метан эмиссиясини камайтиришга ёрдам беради. Лойиҳа Ҳукумат билан биргаликда электр энергияси ва ёрдамчи хизматларнинг салоҳиятини ошириш ва трансчегаравий савдосига қаратилган.

ЎЗБЕКИСТОН. USAID янги ягона бозор регуляторига ва электр энергиясининг янги бозорига тарқоқ электр энергияси лойиҳаларини (жумладан, томга ўрнатиладиган қуёш панеллари) синовдан ўтказиш, энергетика секторининг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш, ҚТЭни прогнозлаш ва ҚТЭни тармоқлар билан интеграциясини қўллаб-қувватлаш ҳамда замонавий водород технологияларини углерод эмиссиясини камайтириш мақсадида ва ёрдамчи хизматларнинг трансчегаравий савдосини осонлаштиришни тадқиқ қилиш орқали ёрдам бермоқда. Лойиҳа, шунингдек, **ҚТЭ сармоядорлари учун қўлланмани** ишлаб чиқишни ҳам қўллаб-қувватлади.

МИНТАҚАДА. USAID минтақавий ва трансчегаравий электр энергияси савдосини қўллаб-қувватлайди. USAID энергетика соҳасининг **300 нафар вакилини** бирлаштирган **Минтақавий тоза энергия форумини** ишга тушурди. USAID шунингдек, **Марказий Осиё учун АҚШ инновациялар марказини** ишга тушириш ва Тошкент давлат техника университети ва Делавер университети ўртасида янги яшил водород ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва General Electric Digital компаниясини минтақавий SCADA тизими учун замонавий видеодевор харид қилиш учун жалб қилиш ва бошқа лойиҳалар билан АҚШ компаниялари ва маҳаллий институтлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

СОҶАЛАР АРО ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ. Ўқув ва гендер ташаббуслари орқали ёрдам беради. Ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида электрэнергетика бўйича магистратура учун стипендиялар молиялаштирилади ва гендер тенглиги ва ижтимоий инклюзияни тарғиб қилиш учун **Аёллар ва ёшлар ментор тармоғини** ишга туширилди.

АМАЛГА ОШИРИШ ДАВРИ 2020 йил октябрь – 2025 йил сентябрь

НАТИЖА



25 ТА ҲУЖЖАТ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ, УЛАРДАН 9 ТАСИ ҲУКУМАТЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ ВА ТАДБИҚ ЭТИЛДИ



ИШЛАБ ЧИҚАРИШЧИЛАР ВАЪДА БЕРГАН \$2,24 МЛРД. ИНВЕСТИЦИЯЛАР



624 МЕГАВАТТ ТОЗА ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ + 2883 МВт ГАЗДА



11 МЛН. ТОННА CO₂ АТМОСФЕРАГА ЧИҚАРИЛМАДИ



87 ИНСТИТУТГА ЁРДАМ КўРСАТИЛДИ



1 688 ЭНЕРГЕТИК ўқИТИЛДИ

АЛОҚА УЧУН МАСЪУЛ

Патрик Э. Майер
Энергетика бўйича маслаҳатчи,
USAIDнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий миссияси, Қозоғистон, Олмаота
pmeyer@usaid.gov

БЮДЖЕТ \$39 млн.